

UZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MILLIY JAMOA QURULMASI  
INV. M

Хажсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 15 июнь, шанба • №47 (11.435) • Эркин нархда сотилади

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА


Тошкентда Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашга бағишланган халқаро конференция бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Лондондаги Халқаро стратегик тадқиқотлар институти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Канада, Хитой, Афғонистон, Эрон ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари, БМТ, НАТО, ЕХҲТ каби нуфузли ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Икки кунлик мазкур тадбирда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, минтақа мамлакатларининг ўзаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамкорлигини кенгайтириш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний тарқатилиши ва савдосига қарши кураш, халқаро террорчилик ва диний экстремизм муаммоси, аҳолининг ноқонуний кўчиши, минтақада курол-аслаҳа ёйилиши каби долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Шунингдек, конференцияда узоқ йиллар мобайнида Марказий Осиёдаги беқарорликнинг асосий манбаи бўлиб келган Афғонистондаги вазиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

(ЎЗА).



## НАВОИЙЛИКЛАР ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Кунни кеча тахририятга Қуйичирчиқдан хушxabар келди. Шоличиликка ихтисослашган Навоий номили ширкат хўжалиги давлатга 500 тонна дон топшириб, шартнома режасини бажарди. Ҳосилнинг ярмидан кўпи ҳали далада турипти. Шоликорлар ҳосилдорликни 50 центнердан оширишни мўлжаллаб, ўрим-йиғимни давом эттирмоқдалар.

Навоийликларнинг ушбу меҳнат ғалабаси туман ғаллакорларини ўрим-йиғим суръатини жадаллаштириш-

га рағбатлантириб юборди. Бунда туман машина-трактор паркиннинг ўз комбайнларини мавсумга анча барвақт ва пухта сошлаб қўйган Оразали Айнақулов, Халил Эшмуродов, Маҳмаджон Абдувалиев, Шерзод Жанабоев сингари тажрибали комбайнчиларининг хизмати катта бўлаяпти. МТПнинг 16 та «Кейс» ва 29 та Россия комбайнлари бирин-кетин ғаллазорларга олиб чиқилди.

Туманда ўрим-йиғим иштирокчилари учун бево-сита ғаллазорларнинг ўзи-да барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Улар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланаяпти. Беш кунликлар якунида энг кўп ғаллани ўриб-янчиб берган комбайнчиларни моддий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Бу йил қуйичирчиқликлар 12 минг 250 гектар ерда

ғалла етиштирилди. Шартномага мувофиқ давлатга 27 минг 980 тонна дон топширилиши керак. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-ки-тобларига қараганда ўртача ҳосилдорлик 40 центнердан ошади.

**СУРАТЛАРДА:** МТПдан ғаллазорларга йўл олишга шай бўлиб турган «Кейс»лар; ғалла ўрими пайти.

Эркибой БОТИРОВ олган суратлар.

## САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда 2002 йил 7 июль – якшанба куни бўшаб қолган ўринларга бўлиб ўтадиган сайловни ташкил этишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Вилоят сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, бўшаб қолган ўринларга вилоят Кенгаши депутатлигига сайлов ўтказиш бўйича 31-«Байқўрғон», 35-«Оққўрғон», 36-«Озодлик» ҳамда 49-«Олмазор» округ сайлов комиссияларини тузиб, уларнинг таркибини тасдиқлади.

## ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Пойтахтдаги "Шератон" меҳмонхонасида Марказий Осиёда экология ва саломатлик муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман жорий йилнинг сентябр ойда Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида бўлиб ўтадиган "РИО+10" жаҳон саммитига бағишланди.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎЗА мухбири.

## «УНИВЕРСИАДА-2002» ДАН КЕЙИНГИ УЙЛАР

## ТАЙЁРГАРЛИКНИ БУГУНДАН БОШЛАШ КЕРАК

Бунинг учун эса, универсиада иштирокчиларини танлаш ва тайёрлаш жараёнларида туб ўзгаришлар ясаш лозим кўринади.

БУ ЙИЛ иккинчи марта ўтказилган республика олий ўқув юртлари спортчи талабаларининг универсиада мусобақалари якунланганига икки ҳафта бўлди. Аммо, ушбу катта спорт байрамини ташкиллаштириш, беллашувларга ҳакамлик қилиш даражаси ва эришилган натижаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш давом этмоқда.

Табиийки, универсиадада энг кўп спортчиси билан иштирок этган Тошкент шаҳар жамоаси футбол, шоҳмот ва белбоғли курашдан ташқари барча спорт турларида энг юқори натижаларга эришиб, универсиада ғолиби бўлди. Иккинчи ўрин Бухоро, учинчи ўрин Наманган вилоятлари вакилларига насиб этди.

Тошкент вилояти эса, пойтахтнинг иккинчи ва учинчи жамоаларини ҳисобга олмаганда, 8-ўринни эгаллади.

Хўш, бу натижани қандай баҳолаш мумкин? Бу саволга жавоб беришдан аввал 2000 йил Наманганда бўлиб ўтган биринчи универсиада якунини эслаш жоиз. Ушанда вилоятимиздан бор-йўғи 16 спортчи талаба иштирок этиб, иккитагина бронза медали эгаси бўлган ва оқибатда энг сўнги ўринда қолиб кетган эди. Бу сафар эса, 140 нафардан зиёд вакилимиз қатнашиб, 7та олтин, 7та кумуш, 9та бронза – жами 23та медални қўлга киритишди.

(Давоми 8-бетда).



## Қишлоқ ва ислоҳот

## ФЕРМЕРГА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛСА,

у маҳсулот етиштиришни кўпайтириш баробарида уларни қайта ишлайдиган корхоналарни ҳам барпо этиб, ўз фаолиятини кенгайтириб боради

Паркент ва Чирчиқ шаҳарлари оралиғидаги қир-адирлар бағрини кесиб ўтган тастамадек йўлдан борар эканман, мустақиллик инъом этган имкониятлардан фойдаланиш бахтига биринчилардан бўлиб эришган фермернинг бир гапи бот-бот ёдимга тушади.

Азалдан Ёйилма деб аталгучи бу кенгликларда баҳор кезарди ўшанда. Енгил чайқалиб бораётган автомашина рулини маҳкам тутганча, табиат сеҳридан хаёлга гарқ бўлиб кетаётганимда, Тўлқин аканинг: «Нима дейсиз, ука, бугун фермерларга ер бериб, эртага яна кулоқ қилишмасмикан?!» дея дабдурустдан берган саволи

фикримни тумандек тўзғитиб юборди. Гарчи дадил иш бошлаган бўлсада, қароқлари қатида қандайдир ҳадиқ яширинган фермернинг кутилмаган бу саволига ўшанда тайинли жавоб тополмай, лол бўлгандим.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, вақт ўтиши билан юртдошларимиз қалбидаги ана шу ҳадиқли ўйлар ўрнини истиқлолга қатъий ишонч туйғулари эгаллай бошлади. Мустақилликнинг илк давларида таваккалчилик асосида иш бошлаган тадбиркорлар эндиликда гурур билан бош кўтариб юрадиган бўлишди.

(Давоми 3-бетда).

**Иқтисодий ислохотлар, давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни халқ ҳўжалигининг барча тармоқларидаги каби автотранспорт соҳасида тобора чуқурлашиб бормоқда. Вилоятимиздаги ҳамма шундай корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилди, уларда акциялар чиқарилди.**

Унинг бир қисми давлат иктиёрида қолди, айни вақтда корхоналар жамоалари аъзолари ўртасида номи ёзилган, имтиёзли шаклда тарқатилди, четдан талабгор бўлган харидорларга ҳам сотилди.

Акциядорлик жамиятлари сифатида корхоналар ишлаб чиқаришини қайта ташкил этиш, бошқарувнинг бозор иқтисодиётига мос усулларини жорий қилиш ишчи-хизматчиларнинг ўз зиммасидаги вазифага нисбатан масъулиятини кескин оширди. Шу туфайли меҳнатга муносабат сезиларли яхшиланди. Умуми ва сифатли меҳнат натижасидан, аввало, ишчи ёки хизматчининг ўзи моддий манфаатдор бўлиб қолди. Улар кўрилган фойданинг муайян қисмига эгалик қилмоқда, дивиденд олаётти. Жамоа фойданинг салмоқли бўлагини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни, кичик ишлаб чиқаришларни барпо этишга ажратмоқда. Натижада акциядорлик жамиятлари қошида

## МУЛОҚОТ ФЙДАЛИ БЎЛДИ

кичик корхоналар, фирмалар, чорвачилик ҳўжаликлари, тиббий муассасалар очилди. Чунончи, йигирмадан ортиқ автокорхоналарда 54 та алоҳида кичик ва ўрта корхоналар ишлаб турипти. Уларда миллион сўмлаб маҳсулот тайёрланмоқда ва хизматлар кўрсатилапти.

Ортиқча ишлаб чиқариш майдонлари, бўшаб қолган бинолар ижарага берилмоқда. Бу ўз навбатида қатор муаммоларни юзга келтираяпти. Иқтисодий ислохотларга оид, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва

### Транспорт

уларнинг фаолиятига, таъсисчи билан улар ўртасидаги муносабатларга тааллуқли директив ҳўжатларни чуқур ва пухта билмаслик ҳам шунга олиб келмоқда.

«Тошвилояттранс» худудий уюшмаси раҳбарияти шу масалаларга аниқлик киритиш мақсадида махсус семинар ташкил этди. Унга вилоят ҳокимлигининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш билан шуғулланувчи ходимлари, вилоят ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Бизнес-фонд» бўлими ҳамда қатор бошқа мутасадди ташкилотлар мутахассислари таклиф қилинди. Уюшмага қарашли барча автокорхоналарнинг бош муҳандислари, иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи ходимлари, юристлар қатнашдилар.

Семинар амалий мулоқот, савол-жавоб шаклида очиқчасига ўтди. Транспортчилар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича берган саволларига аниқ ва қисқа жавоб олдилар. Бу тадбир туфайли транспортчиларнинг ҳуқуқий билимлари анча бойиди. Шунинг учун ҳам бундай семинарларни тез-тез уюштириб туриш лозим деб топилди.

## МАҚСАД — ЁШЛАР АДАШМАСИН

Тадбир

**Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот», «Қизил Ярим ой», «Соғлом авлод учун», «Ватанпарвар» каби жамғарма ва ташкилотлар, туман санитария-эпидемиология станцияси ҳамкорликда тадбир ўтказди.**

Унга мувофиқ Жамбул қишлоғидаги 22-, 29-, «Олга» ширкат ҳўжалигидаги 17-, «Сохибкор» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмасидаги 41-мактабда ўқитувчи ва битирувчи синф ўқувчилари билан ОИТС, гиёҳвандлик, тери-таносил касалликлари ҳамда бошқа нохуш воқеаларнинг олдини олиш бўйича суҳбат ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тадбирда Тошкент вилоят

ОИТСга қарши кураш маркази етакчи мутахассиси, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Расулов, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким муовини Дилфуза Султонова, «Қизил Ярим ой» жамияти туман кенгаши раиси Маъмура Абдуқодирова ва бошқалар сўзга чиқиб, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Латифжон МАНСУРОВ.

## «ТУРОН»да ЧЎЛПОНХОНЛИК

**Вилоят «Турон» илмий универсал кутубхонасида Чўлпон хотирасига бағишланган мушоира бўлиб ўтди.**

Унда таниқли адабиётшунос олимлар Озод Шарофиддинов, Наим Каримов, шоир Мирпўлат Мирзаев, таниқли бастакор Дилором Омонуллаева ҳамда Чўлпон шеърини мухлислари иштирок этдилар.

Кечада адабиётшунос олимлар Чўлпон ҳаёти ва

ижодини ўрганиш муаммолари борасидаги фикр-мулоҳазалари билдирилди.

Чўлпон шеърятидан намуналар ўқилди. Айниқса бастакор Д. Омонуллаеванинг Чўлпон шеърларига ёзган кўшиқлари барчага манзур бўлди.

Ўз мухбиримиз.

## Маҳаллий хомашёдан — керамик маҳсулот

**Бугунги кунда мамлакатимиз саноат корхоналарининг керамик маҳсулотларга бўлган талаби ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни қондириш мақсадида Фанлар академиясининг «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида «Керамика-қуёш» кичик корхонаси ташкил этилган эди.**

— Ўтган даврда маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган ўндан ортиқ янги технология яратилди, — деди мазкур корхона директори Х.Собиров ЎЗА мухбирига. — Ангрэн каолини, Лангар пигматити, Каттакўрғон

бентонити, Бойноқсой чинни тоши ва ишлаб чиқариш чикиндилари асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори ҳарорат, кимёвий ва механик таъсирларга чидамлилиги билан ажралаб туради. Бундай буюмлар сано-

атимизнинг электротехника, энергетика, тўқимачилик, тиббиёт, кимё, нефт-газ, автомобилсозлик ва бошқа жаҳҳаларида ишлатилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқовқат саноатида қўлланиладиган иситгич ва қуритгич дастгоҳларнинг асосий қисмларидан бири — қимматбаҳо соф кварц найчалар бунгача хориждан олиб келинарди.

ЎЗА.

## «MINITECH-2002»

**Мамлакатимиз кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун Хитой, АҚШ, Россия, Германия, Франция, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган кичик технологиялар ва ускуналар тақдим этилган «MINITECH-2002» кўргазмаси якунланди.**

Кўргазма давомида жами 468,6 миллион сўмлик 103 дан зиёд шартномалар имзоланди. Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси мазкур кўргазма ташаббускори бўлди.

Ўзбекистоннинг 88 та ва чет элнинг 13 та компаниялари «MINITECH-2002» кўргазмасида 900 турдан зиёд ишлаб чиқариш ускуналарини намойиш этишди.

Яқуний кўргазма Тошкентда ўтказилди. Унда Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятларидан 1900 нафар тадбиркорлар қатнашди. Улар ўз корхоналари учун 194,6 миллион сўмлик 16 та шартнома тузишди. Шунингдек, 550 миллион сўмлик буюртма беришди.

Кўргазма доирасида ўқув семинарлари ўтказилди. Унда кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг уч мингдан зиёд вакиллари қатнашди.

Семинар давомида субъектларни чет эл кредит линиялари, нобюджет жамғармалар ва тижорат банкларининг маблағлари ҳисобига кредитлаштириш, шунингдек, дастлабки сармоёни шакллантириш, бизнес режа тузиш дастаклари кўриб чиқилди.

«Туркистон-пресс».

## Таълим ва компьютерлаштириш

**Пойтахтимизда академик лицей ва касб-хунар коллежларида электрон кутубхона ва дарсликлар яратиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ижроси, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич вазифаларини амалга оширишда академик лицей ва касб-хунар коллежларида дастурий воситалар, маълумотларнинг ахборот базалари, мультимедиа, компьютер техникасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун асосида ташкил этилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув жараёнига кириб келаётган компьютерлар, мультимедиа, Интернет, e-mail тизимлари, видеоқўз, сканер каби техник воситалардан са-

марали фойдаланиш учун қатор масалалар ечимини топиш лозим. Энг асосийси — дастурий таъминотларни яратиш ва уни ўқув жараёнида қўлланиладиган бошқа усуллар билан узвий боғлиқлигини таъминлашдан иборат. Бу эса ахборот ва телекоммуникация технологиялари талаблари негизида электрон ўқув воситаларини яратишни тақозо этади. Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари ҳозирдаёқ физика, математика, биология, инглиз тили фанларини ўрганишга оид электрон ўқув воситалари, дастурий таъминотлар яратаётгани диққатга лойиқдир.

Семинар доирасида академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун яратилган дарсликлар, электрон ўқув воситалари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Хулқар СОДИҚОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ВОДИЙ САФАРИ

**Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги фаоллари, ҳўжаликлар раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ва маданият ходимларидан иборат гуруҳ яқинда тажриба алмашиш мақсадида Фарғона водийсига бордилар.**

Дастлаб улар Наманган вилоятининг Поп ва Тўрақўрғон туманлари пахта далаларида бўлиб, пахтакорлар эришаётган ютуқлар билан яқиндан танишдилар. Айниқса, катта кўчалар бўйига экилган мевали дарахтлар ва гулзорларни кўриб, унинг соҳибларига ташаккур айтдилар.

Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Чинобод» ширкат ҳўжалиги далаларида эндигина гулга кирган ғўзаларни кўриб, кўзлар қувонади. Чинободликлар бу йил ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил

кўтаришга бел боғлаганликларини эшитиб, меҳмонлар хурсанд бўлишди. Сафар давомида йўл-йўлакай пахтакорлар билан учрашиб, тажриба алмашиш учун бир бирлари билан алоқа боғлашга келишиб олдилар.

Шундан сўнг ўртачирчиқлик фаоллар Қувадаги буюк аллома Ал Фарғоний ҳамда Марғилондаги ислоншунос олим Марғилоний ёдгорликларини бориб кўрдилар. Шунингдек, меҳмонлар Қўқондаги ўлкашунослик музейида ҳам бўлдилар.

Барот ИСРОИЛОВ.

## ДИҚҚАТ! ПИЁДА!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 15 июнидан мамлакатимизда «Диққат! Пиёда!» ойлиги бошланади.**

Пиёдалар ўртасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур тадбир давомида талай чоратадбирлар ўтказилади. Тадбир мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари «Диққат! Пиёда!» тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш гуруҳларини ту-



зади. Унда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идоралар қатнашади.

ЎЗА.

**Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва солиқ тўловчилар ўз фаолиятлари давомида юзага келган муаммо ва фикр-мулоҳазаларини қуйидаги «Ишонч телефони» орқали маълум қилишлари мумкин.**

**137-54-49** Хўжалик юритувчи субъектларда назорат идоралари томонидан ўтказилаётган текширишларга оид саволлар.

**137-60-11** Солиққа тортиш ва солиқ қонунчилигига оид саволлар бўйича

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси.

## Кун тартибда — ОИЛА ВА БОЛА СОҒЛИГИ

**Соғлом авлод дастури бўйича ёшлар ўртасида соғлом оила қуриши, унинг мустақамлигини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Янгийул шаҳар Саломатлик маркази, марказий шифохона, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлими ходимлари ҳамкорлигида ўтаётган «Соғ оилада соғлом бола», «Қариндош-уруғлар турмуш қурманг», «Экология боланинг соғлом ўсишига таъсир этадими?» сингари мавзулардаги суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ана шулар жумласидандир. Бу каби тадбирлар маҳаллалар, тиббиёт, озиқ-овқат, технологик коллежалари ҳамда академик лицейда ҳам ўтказилди.

Зухра ХАЙДАРОВА.

## Дўстлар Ангрнда Учрашишди

**Кунни кеча Ангрн шаҳар ҳокимлигида шаҳар кунни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими Абдор Юсупов ҳамда директорлар кенгаши аъзолари тожикистонлик меҳмонларни нон, туз билан кутиб олдилар.**

Бу ерда бўлиб ўтган давра суҳбатида иштирок этган Ашт тумани ҳокими Иноят Раҳимжонов бошчилигидаги илғор хўжалик раҳбарлари ҳамда Охангарон тумани ҳокими Туроб Холтоев бошчилигидаги меҳмонлар ҳар икки халқ ўртасидаги тинчлик, тотувликни мустақамлаш, расмий-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, бозорларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш борасидаги масалаларни муҳокама этишди.

Шу кун «Кимёгар» ўйингоҳида бўлиб ўтган тантаналар катта футбол байрамига улашиб кетди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

**Зангиота туманидаги паррандачиликка ихтисослашган "Ўзбекистон" ҳиссадорлик жамиятида маҳаллий паррандалар билан бирга Германия ва Россиядан келтирилган зотдор "Ломан Браун" ҳамда "Кубань" турлари парваришланмоқда.**

Натижада ҳар ойда истеъмолчиларга 20 тонна парҳез гўшт, 7-8 миллион дона тухум етказиб берилаётди. Корхонанинг биржа савдоларида 500 сўм баҳо-

## Акция баҳоси 5 минг сўмга етди

ланган акциялари нархи бугунги кунга келиб 5 минг сўмга кўтарилди ёки ўн баравар ошди.

Корхона бундан ўн йилча илгари инқирозга учраб, салкам банкрот бўлаётганди. 1999 йилда "Ариян Натур Дарм" /Германия/ компаниясининг "Ариян Хафир" шўба корхонаси фабрика акцияларининг назорат пакетини со-

тиб олди. Тиклаш ва ривожлантириш учун 700 миллион сўмлик маблағ жалб этилди. Қисқа муддат ичида 66 та цех босқичма-босқич таъмирланиб, хориждан зотдор паррандалар келтирилди.

Уч йил илгари атиги 20 киши ишлаган корхона бугун 350 кишилиқ катта жамоага айланди. Корхона 150 миллион сўмлик қарзларидан қуту-



либ, ўтган йилни 377 миллион сўм фойда билан якунлади. Жорий йилда бу рақам 1,5-2 баравар кўпайиши кутилмоқда.

Н. ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

Хукуматимиз раҳбариятининг, хусусан, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан янгиликка интилувчан кишиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши боис қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги иқтисодий ислохотлар ривож топиб кетди. Тўлқин Расулов бошлиқ «Баҳор» фермер хўжалиги ихтиёрида ҳозир 65 гектар ер бўлиб, 30 дан ортиқ қорамол ва 35 бош йилки мавжуд. Ишлари ривож топиб бораётган бундай мулкдорлар юзлаб топилади.

Фермер хўжаликлари уюшмаси ташкил этилган 1994 йилда атиги 28 нафар фермерга эга бўлган биргина Паркент туманида бугун 346 нафар фермер эмин-эркин фаолият юритмоқда. Жами 4775 гектар ерни ўз тасарруфларига олган фермер хўжаликларида 1300 дан ортиқроқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётди. Қувончлиси шундаки, уларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Буни шу йилнинг бошида «Бойқозон» ширкат хўжалиги бўйича 26 фермерга 149 гектар, «Гулбоғ» ширкат хўжалигида 4 кишига 20 гектар, туман бўйича эса 56 янги фермер хўжалиги учун 288 гектар ернинг бўлиб берилишиданок англаб олиш мумкин.

Туман фермер хўжаликлари уюшмаси атрофига жипслашган мулкдорларнинг умумий соф даромадлари ўтган йили 126 миллион сўмга етган бўлса, ўртача рентабеллилик даражаси 56 фоизга

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғри келди. 2001 йилда туман бюджетига фермер хўжаликлари томонидан 6 миллион 570 минг сўм солиқ тушумлари тўлиқ ўтказилди.

Паркентлик фермерлар ғаллачилик борасида муайян ютуқларни қўлга киритишяпти. Масалан, «Акмал», «Фазлиддин», «Эркин» фермер хўжаликлари-

бий ҳал қилиб, мулкдорларга, албатта, қулай шароит яратамиз.

Ҳа, бу гапда жон бор. Чиндан ҳам фермерлар етиштирган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари Паркентда тансиқ. Айни пайтда тобора ривожланиб бораётган «Бахт» фермер хўжалиги эгалари уюшма мутасаддилари билан ҳамкорликда иш юритиб, чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган катта қувватга эга корхона бунёд этиш ҳаракатида. Шунингдек, фермерларга сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида туманда худудлар бўйича хусусий шохобчалар ташкил этиш режалаштирилган. Яқин пайтларгача ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини келтириш учун қўшни туман ёки шаҳарларга бўзчининг мокисидек қатнаб юрган фермерлар бу ашёларни эндиликда «Нилуфар» кўрғонида бунёд этилган нефт маҳсулотларини тақсимлаш шохобчасидан олиш имкониятига эга бўлишади. Бир сўз билан айтганда мулкдорларга амалий ёрдам кўрсатиш учун туманда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Иккиланмай айтиш мумкинки, хўжалик юритиш шакллариининг ўзгариши, ернинг ўз эгасини топиши билан замин унумдорлиги ортиб, маҳсулот етиштириш кўпайиб бормоқда. Зеро, бу меҳнатқаш халқимизга мустақиллик берган буюк имкониятидир.

Жамолиддин АБДИЕВ.

## ФЕРМЕРГА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛСА

да ўтган йили бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги 60 центнерданга тўғри келган бўлса, «Ҳожи ота» фермер хўжалиги аъзолари бу кўрсаткични 63 центнерга етказишди. Айни пайтда улар эришилган ютуқларни мустақамлаш йўлида 1524 тонналик хирмонни кўзлаб меҳнат қилишаётди.

Туманимизда фаолият кўрсатаётган фермерлар ҳаётида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, дейди туман фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Тўлқин Йўлдошев. — Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, фермерлар етиштираётган маҳсулотларни қайта ишловчи бирорта хусусий корхона йўқ. Худо хоҳласа, бундай муаммоларни яқин кунлар ичида ижо-

## Шифокор маслаҳати

# ДАРДНИНГ ЕНГИЛИ БЎЛМАЙДИ

**Меҳмондорчиликка боришни мўлжаллаган Нигора ўғлининг одатдагидан бошқачароқ финишидан хавотирланди. Боланинг ҳарорати кўтарилган, кўзлари ёшланиб, бурни оқаётганлигини сезиб иссиқ туширадиган дори берди.**

залай деб турганида опаси ва акасининг фарзандларида тепки касаллиги бошланганини эшитиб анча ўксинди. Шу кун меҳмондорчиликка борганлигига анча афсусланди. Чунки касаллик ўша кунни уларга ҳам юкиб улгурганди.

Бу касаллик эпидемик паратит — ўткир вирусли хасталик бўлиб, асосан куз ва баҳор мавсумида болалар орасида тез тарқаладиган дарддир. Унинг бола танасига ўтиши жағ ости безларида шишлар пайдо бўлиши билан кузатилади. Шу боис у оддий халқ орасида «тепки» деб ҳам аталади. Одатда бу хасталик кўкқисидан тана ҳароратининг кўтарилиши, бурун ва кўз шиллиқ пардалари-

да қизариш, шиш пайдо бўлиши, ёш оқиши, кейинроқ жағ ости безининг катталашиши, овқат ютишининг қийинлашиши, оғриқ пайдо бўлиши билан кечади. Ушбу хасталик тананинг қарши курашиш хусусияти етарли бўлганда ўтиб кетиши ёки бошқа ички безларнинг зарарланиши билан ҳам давом этиши, натижада оғир асоратлар қолдириши мумкин. Кўпинча жинсий безларнинг зарарланиши оқибатида ўта оғир оқибат — бепуштлиқ ҳолатлари ҳам қайд этилади. Шунинг учун бу хасталик билан оғирган беморни ўзбошимчалик билан даволамасдан зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Хасталикдан химояланиш усулларида бири ўз вақтида тегишли эмлаш, керак муолажани олиш бўлса, бундан ташқари касалликнинг белгилари пайдо бўлиши билан болаларни бошқа гўдақлар билан бирга бўлишига йўл қўймаслик, кўпроқ суюқлик ва витамин ҳамда оксилга бой таомларни истеъмол қилишдир. Хасталик кўзгатувчи вируслар йигирма кунгача яширин даврини ўтаб, кейин номоён бўла бошлади. Шу боис ҳам бемор болаларни боғчага ва мактабларга юбормай, уй шароитида хасталикнинг олдини олиш учун юқоридаги тавсияларга амал қилиш, уларни чинқитириш, тўғри овқатлантириш, вақтида эмлаш мақсадга мувофиқдир.

Моҳира МУСАЕВА,  
А. Икромов тумани  
ДСЭМнинг врач-  
эпидемиолог ёрдамчиси.



Нонушта тугагач, Мансур анча ўзига келгандек бўлди. Улар бирга йўлга чиқишди. Ўғлининг кўп безовталаниши, йиғлашлари, қариндош-уруғларни ҳам ташвишлантириб қўйди. Хуллас, ҳеч нарса татимасдан қайтган Нигора фарзандини қайнонаси Робия холага кўрсатганида уни тепки билан оғриганини, эгизаклик бирор аёлга иримини қилиш кераклигини айтди. Аммо бу фойда бермади. Чунки, дард анча жиддий эди. Фақат тиббий муолажалар ўтказилгач, бола ўзига келди. Нигора ўғлининг энди ту-

## Янги нашрлар

### Фалсафа, ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари

"Миллий ғоя ва истиқлол мафқураси ҳақида гап борар экан, — деган эди Президентимиз Ислон Каримов, — биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукамал ифодаси, тугал намунаси ҳали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади".

Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган "Мустақил Ўзбекистон фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари" тўпламида файласуф ва ҳуқуқшуносларнинг бу борадаги илмий тадқиқотлари материаллари жамланган.

Икки қисмдан иборат мазкур нашрда шу йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми натижаларининг мамлакатимиз демократик тараққиётидаги улкан аҳамияти, юртимизда барча соҳаларни эркинлаштириш ва бунёдкорлик ишларини янада юксалтиришга ижобий таъсирини илмий асослашга қаратилган мақола ва тадқиқотларга кенг ўрин берилган.

Элбек ХОЛИҚОВ,  
ЎЗА мухбири.

## Нақшбандия ҳамда ўзбек адабиёти

**Абдулла Қодирий номидаги "Халқ мероси" нашриётида адабиётшунос олим Ёқубжон Исҳоқовнинг "Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти" рисо-ласи чоп этилди.**

Унда адабиётимизга нақшбандия таълимотининг таъсир жараёнлари тадқиқ этилган.

Нақшбандия сулуқига дахлдор ижодкорлар нафақат бадий адабиёт, балки фалсафа, ахлоқ, тарих сингари фанлар соҳасида ҳам беназир шахслар бўлган. Муаллиф Амир Саййид Қосимий Табризий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Сўфи Оллоёр ва Ҳувайдо каби алломалар ижодида нақшбандия тариқатининг ўрни ҳақида ўз илмий мулоҳазаларини баён этган.

Дилфуза ЭСАНОВА,  
(ЎЗА).

## DUSHANBA

17

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома»  
8.45 ТВ маркет.  
8.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Мафтункор кабутарлар».  
9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Ямбуй ажинаси». Бадий фильм.  
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси»**  
12.05 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин

тож». Телевизион ўйин.  
13.05 «Талабалик йилларим».  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
13.55 ТВ анонс.  
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди».  
14.30 ТВ клип.  
14.40 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.  
16.10 Кундузги сеанс: «Иф қалъасининг махбуси». Бадий фильм. 1-қисм.  
17.15 «Бадий кенгашдан сўнг».  
17.35 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.  
18.10 «Куйла, ёшлигим».  
18.30 «Мулк».  
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Кўшигимиз сизга армуғон».  
21.35 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».  
22.05 «Таянч нуқтаси».  
22.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
22.40 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
23.30 «Ахборот - дайжест».  
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

10.55 Кўрсатувлар дастури.  
11.00 «Давр» ҳафта ичида.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
13.20 Кўҳна оҳанглар.  
13.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

14.20 «Давр»-news.  
14.40 «Дўстона». Бадий фильм. 1-қисм.  
15.50 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».  
16.20 Муסיқий лаҳзалар.

16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
18.20 Оқшом наволари.  
18.35 Тафаккур ёлқинлари.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Қарияларни қадрлаш йили «Қадрият». 1-кўрсатув.  
20.10 Ёшлар овози.  
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
00.50 «Давр». Ахборот дастури.  
1.05-1.10 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффиса баридан чиққан фирибгарлар». 11-қисм.  
17.55, 19.10, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Болажонлар экрани».  
18.30, 20.00, 21.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».  
19.30 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.  
19.45 «Камалак».  
20.30 ТТВда сериал:

«Бибилиска пул».  
21.55 «ТВ плюс».  
22.20 «Пойтахт шарҳи».  
22.45 Кинонигоҳ, «Анбар» 1-қисм.  
23.50-23.55 «Хайрли тун, шахрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.25 «Аншлаг».  
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.20 «Мени кутгил».  
18.15 «Америка туни». Бадий фильм.  
20.00 «Время».  
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.  
21.25 «Титаник». Сериал.  
22.10 «ТВ-4да Немис тўлкини».

22.30 «Футбол кундалиги».  
22.55 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
00.35 «Ахборот» (рус тилида)  
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.  
17.00 Дастурнинг очилиши.  
17.05 Хужжатли кино: «Одам ва денгиз».  
17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
18.05 «Марҳум сўзи». Телесериал.  
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Ниагара».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона», мусиқий дастур.  
21.30 «30-канал» киноқшоми: «Қийғий операцияси».  
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

## SESHANBA

18

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот»  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Бойсун».  
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».  
9.40 «Рангин дунё».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?» Бадий фильм.  
11.35 «Ўзбек спорти одимлари».  
11.55, 13.55 ТВ анонс.  
12.05 «Париси бор уй».  
12.35 «Кино оламида». Дам олиш дастури.  
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».  
14.30 ТВ клип.

14.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
14.55 Кундузги сеанс: «Иф қалъасининг махбуси». Бадий фильм. 2-қисм.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси»**  
16.00 1. «Кўшигим жон кўшигим». 2. «Покахонтас». Мультсериал премьераси.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Баркамол авлод орзуси».  
18.30 «Қонун ҳимоясида».  
18.50 «Олтин мерос».  
19.05 «Тафсилот».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Солиқ ва биз».  
21.20 «Ўзбекистон»

каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
21.50 «Ифтихор».  
22.20 «Ўзбекистон» канали тақдим этади: Ю. Усмонова. Концертдан сўнг.  
23.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
23.15 «Ахборот - дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».  
9.45 «Мультимоша».  
10.00 Саломатлик сирлари.  
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.50 Кинотақдим.  
11.10 Ёшлар овози.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
13.20 Кўҳна оҳанглар.  
13.30 Жаҳон жуғрофияси.

14.20 «Дўстона». Бадий фильм. 2-қисм.  
15.40 Ўзбекистон дурдоналари.  
15.50 «Янги авлод» студияси. «Дунё ва болалар».  
16.10 Ватан манзаралари.

16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.  
18.20 Автопатруль.  
18.35 Сифат белгиси.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Давр-интервью.  
19.55 «Қадрият». 2-кўрсатув.  
20.15 Марди майдон.  
20.35 Ёшлик наволари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».

Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
00.50 «Давр». Ахборот дастури.  
1.05-1.10 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффиса баридан чиққан фирибгарлар». 12-қисм.  
17.55, 19.15, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Спорт ва болалар».  
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Ўзбегим навоси».  
19.35 «Нима учун?»  
20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
21.55 «Дурдона».  
22.35 Кинонигоҳ, «Анбар» 2-қисм.  
23.35-23.40 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».  
16.20 «Жаҳон бўйлаб».  
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.20 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.20 «Бэйб». Кинокомедия.  
20.00 «Время».  
20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.

21.25 «Титаник». Сериал.  
22.05 «Замонавий Швейцария».  
22.25 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
22.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
00.25 «Ахборот» (рус тилида)  
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.25 — Болалар соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг

сирли рицарлари». Сериал.  
10.50 «Шоҳид». Хужжатли сериал.  
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.10 «Анна Павлова». 1-серия.  
13.40 «Майами сендс». Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.  
16.50 «Футурама». Мультсериал.  
17.15 Хужжатли кино. «Одамлар ва тоғлар».  
18.00 «Марҳум сўзи». Сериал.  
19.00 «30-канал» киноқшоми: «ГАИ инспектори».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.  
21.30 «30-канал» киноқшоми: «Ҳакам Дредд».  
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

## CHORSHANBA

19

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот»  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Сарчашма».  
9.10 «Нафосат гулшани».  
9.40 «ТВ альманах».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
10.25 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадий фильм.  
11.35 «Китоб жавонингизга».  
11.55, 14.30 ТВ клип.  
12.05 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».  
12.30 «Баркамол авлод орзуси».  
12.50, 13.55 ТВ анонс.

12.55 «Аския кечаси».  
13.25 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Остонаси тиллодан».  
14.40 Кундузги сеанс: «Иф қалъасининг махбуси». Бадий фильм. 3-қисм.  
16.10 «Ягона оилада».  
16.40 Эстрада тароналари.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси»**  
17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Ёш юлдузлар».  
18.10 «Аёл - дунёни тебратар».  
18.30 «Умид» телелотереяси.  
19.10 «Мулк».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Киноконцерт.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».

21.30 «Дунёқараш».  
21.45 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.  
22.15 «ТВ клуб».  
22.40 «Созим менинг».  
23.05 «Ахборот - дайжест».  
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

12.00 Кўрсатувлар дастури.  
12.05 «Мультимоша».  
12.20 Давр-интервью.  
12.35 «Эсмеральда». Телесериал.  
13.05 Ёшлар овози.  
13.25 Кўҳна оҳанглар.  
13.35 Ватан манзаралари.  
13.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.  
14.35 «Қора ўқ». Бадий фильм.  
16.00 Автопатруль.  
16.15 Кўрсатувлар дастури.  
16.20 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар». Болалар учун концерт.  
16.50 «Учинчи сайёра»

маърифий дастури.  
17.40 ТВ-анонс.  
17.45 «Адолат сарҳади».  
18.05 Чемпион сирлари.  
18.25 Оқшом наволари.  
18.40 Каталог.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Ракурс.  
20.00 Спорт-лото.  
20.10 Ўзбек мумтоз муסיқасидан.  
20.15 Очил дастурхон.  
20.30 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.

00.50 «Давр». Ахборот дастури.  
1.05-1.10 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффиса баридан чиққан фирибгарлар». 13-қисм.  
17.55, 19.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 21.50, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Аёл қалби».  
19.30 «Мушоҳада».  
20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
21.15 «Кўзгу».  
21.30 «Муסיқий меҳмонхона».  
22.55 Кинонигоҳ, «Занжир».  
00.20-00.25 «Хайрли тун, шахрим!»  
**«Халқаро» телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».  
16.20 «Ўз-ўзига режиссёр».  
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.20 «Чангалзорлик Жорж». Бадий фильм.  
20.00 «Время».  
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.

21.25 «Титаник». Сериал.  
22.10 «Евроныйос» видео-журнали.  
22.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.  
00.10 «Ахборот» (рус тилида)  
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.25 — Болалар соати.

10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.  
10.50 «Яхши кайфият».  
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.10 «Анна Павлова». 2-серия.  
13.40 «Майами сендс». Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.  
16.50 «Футурама». Мультсериал.  
17.15 «Овқат шинавандалари учун саёҳат». Сериал.  
18.10 «Марҳум сўзи». Сериал.  
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Бу мени қизиқтирмайди».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур.  
21.30 Ҳинд киноси: «Ўзгача тақдирлар».

## PAYSHANBA

20

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси»**  
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Ёш юлдузлар».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Робин Гуд». Бадий фильм. 1-қисм.  
11.35 «Аёл - дунёни тебратар».  
11.55, 12.30 ТВ анонс.  
12.05 «ТВ клуб».  
12.35 «Фанимиз истикболлари».  
12.55 «Муסיқий учрашувлар».  
13.25 «Ошин». Телесериал.

13.55 ТВ клип.  
14.10 «Озод юрт одамлари».  
14.30 Кундузги сеанс: «Тўй айбдор». Бадий фильм.  
15.45 «Моҳият».  
16.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».  
16.30 «Харита». Халқаро шарҳ.  
**Ёзги таътил кунларида:**  
**«Болалар сайёраси»**  
16.45 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман».  
17.35 «Оламини асранг!»  
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
18.30 «Яхши ният».

Телелотерея.  
19.05 «Қалқон».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Телемулоқот». Саволларга истеъмолчилар хукукини химоя қилувчи мутассадди ташкилотларнинг ходимлари жавоб беради.  
21.40 «Бир жуфт қўшиқ».

21.50 «Йўл бошида».  
22.15 «Рухият манзаралари».  
22.45 «Кавингтон Кросс». Телесериал.  
23.35 «Ахборот-дайжест».  
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар» телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», Болалар учун концерт.  
9.45 «Мультимоша».  
10.00 Ракурс.

10.20 «Эсмеральда». Телесериал.  
10.50 Муסיқий лаҳзалар.  
11.00 Ёшлар овози.  
11.20 Спорт-қўйтаси (рус тилида)  
11.50 Чемпион сирлари (рус тилида)  
12.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
13.00 Муқаддас бурч.  
13.20 Болалар экрани: «Бенжи».  
14.55 Кўҳна оҳанглар.  
15.05 Сифат белгиси.  
15.15 «Бу шунақа ўйин». Бадий фильм.  
16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»  
17.10 «Мультимоша».  
17.25 ТВ-анонс.  
17.30 Олов билан юзма-юз.  
17.45 Виллоятлар ёш хонадалари куйлайди.  
18.00 Минг бир маслаҳат.  
18.20 Табобат оламида.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 «Давр»-интервью.  
19.55 Ёшлар овози.  
20.15 Мусиқий

лаҳзалар.  
20.20 Дийдор.  
20.40 Кўҳна оҳанглар.  
20.50, 21.25, 22.35  
Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Бегойим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
22.40 «Мухаббат қаҳваси».  
Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телекана-  
лида спорт: Ринг  
кироллари.

00.35 «Давр». Ахборот  
дастури.  
00.50-00.55 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал  
«Оффисина баридан чиққан  
фирибгарлар». 14-қисм.  
17.55, 19.15, 21.35  
«Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болалар экранни.  
18.25 «Менинг замоним».  
18.30, 20.00, 21.15, 21.55

«Пойтахт». Ахборот  
дастури.  
18.50 «Камолот фасли».  
19.35 Мусиқий лаҳзалар.  
19.45 «Этиқод».  
20.30 ТТВда сериал:  
«Бибилска пул».  
22.20 Кинонигоҳ «Эдгар ва  
Кристина».  
23.40-23.45 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.20 «Жаҳон бўйлаб».  
17.10 «Бугун оламда».  
Ахборот кўрсатуви.  
17.20 «Оилавий ришталар».  
Сериал.  
18.15 Э. Пьеха иштирокида-  
ги концерт.  
20.00 «Время».  
20.35 «Рус рулеткаси».

21.25 «Титаник». Сериал.  
22.10 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
22.20 «Соҳар клуб».  
22.40 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати.  
00.20 «Ахборот» (рус  
тилида)  
00.50 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 —  
«Телехамкор».

9.30, 14.25 Болалар соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг  
сирли рицари» Сериал.  
10.50 «Яши кайфият».  
11.20 «Иблис боласи».  
Сериал.  
12.10 «Анна Павлова». 3, 4-  
сериялар.  
13.40 «Майами Сендс».  
Сериал.  
15.10 Кундузги киносеанс:  
«Магдаленанинг сокин  
эктрослари». Сериал.  
16.50 «Симпсонлар».  
Мультсериал.

17.15 «Кино, кино, кино».  
18.10 «Марҳум сўзи».  
Сериал.  
19.00 «30-канал»  
киноқшоми: «Улим  
ташувчи рейс».  
21.00 «Хайрли тун,  
кинжинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Мусиқий  
дастур.  
21.30 «30-канал»  
киноқшоми: «Портла-  
тувчи».  
23.15 «Тез ёрдам».  
Сериал.

**JUMA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекис-  
тон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида:  
«Болалар сайёраси».**  
9.00 1. «Цирк, цирк,  
цирк». 2. «Мен бобомдек  
бўлишни хоҳлайман».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00  
Янгиликлар  
10.05 «Робин Гуд». Бадий  
фильм. 2-қисм.  
11.15 «Ўзалигинг намойиш  
қил». Экранда - Хоразм  
вилояти.  
11.35 «Қалқон».  
11.55, 13.55, 16.35 ТВ  
анонс.  
12.05 «Рухият манзарала-  
ри».  
12.35 «Ўзбекистон : XXI  
аср ёшлари».  
12.55 «Мусиқа ва театр».

**21**  
13.20 «Олам». Телеальма-  
нах.  
14.10 «Меҳр қолур».  
14.30 ТВ клип.  
14.40 Кундузги сеанс:  
«Сехрли сурат». Бадий  
фильм премьераси.  
16.05 «Озода бўлса  
шаҳринг».  
16.25 «Олтин мерос».  
16.40 «Хуқуқ сабоқлари».  
**Ёзги таътил кунларида:  
«Болалар сайёраси».**  
17.00 1. «Ёз - ўтмоқда соз».  
2. «Ўйла, изла, топ».  
Телемусобақа.  
18.10 «Тафсилот».  
18.25 «Нафосат гулшани».  
18.40 «Бу ажиб фасл».  
Телеальманах.  
19.05 «Ҳидоят сари».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00  
Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус  
тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган артист. Р.  
Комилов.  
21.30 «Соғлом она - соғлом  
бола».  
21.50 «Ўзбекистон»  
каналда ilk маротаба:  
«Ошин». Телесериал  
премьераси.  
22.20 «Парламент вақти».  
22.40 «Олтин бешик».  
23.05 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
23.20 «Ахборот - дайжест».  
23.40-23.45 Ватан  
тимсоллари.  
**«Ёшлар»  
телеканал**  
8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси:  
«У ким? Бу нима?»  
9.35 Мультфильм.  
9.45 «Давр»-интервью.  
10.00 Минг бир маслаҳат.  
10.20 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
10.50 Бегойим.  
11.10 Ёшлар овози.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.

13.20 Кўҳна оҳанглар.  
13.30 «Учинчи сайёра»  
маърифий дастури.  
14.20 Дийдор.  
14.40 «Замонавий аёл».  
Бадий фильм.  
16.00 «Янги авлод»  
студияси: «Ассалом,  
оромгоҳ!», «Боланинг  
тили».  
16.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.25 Хуқуқ ва бурч.  
18.45 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
19.15 ТВ-анонс.  
19.40 Кўҳна оҳанглар.  
19.50 Аср кийфаси.  
20.10 Азизим.  
20.35 Ёшлик навалари.  
20.50, 21.25, 22.35  
Эълонлар  
20.55 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот

дастури.  
22.40 «Мухаббат қаҳваси».  
Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда  
спорт: Интерфутбол.  
00.50 «Давр». Ахборот  
дастури.  
1.05-1.10 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал  
«Оффисина баридан чиққан  
фирибгарлар». 15-қисм.  
17.55, 19.15, 21.35  
«Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Саломатлик  
маскани».  
18.30, 20.00, 21.15, 22.10  
«Пойтахт». Ахборот  
дастури.  
18.50 ТТВда сериал: «Бу  
ҳам кино». 21-қисм  
(яқунловчи)  
19.35 «Саодат қалити».  
19.55 Мусиқий таанаффус.  
20.30 ТТВда сериал:  
«Бибилска пул».  
21.55 «Кўркам ўлка».  
22.35 Кинонигоҳ,  
«Истиқомат хуқуқи».  
00.15-00.20 «Хайрли тун,

шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканал**  
РЖТ 6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести».  
16.20 «Баҳор куйлари».  
Концерт дастури.  
17.10 «Бугун оламда».  
Ахборот кўрсатуви.  
17.15 «Оилавий ришталар».  
Сериал.  
18.25 Ҳужжатли детектив.  
19.00 «Мўъжизалар  
майдони».  
20.00 «Время».  
20.35 В. Рогов «Иккинчи  
даражали роль».  
21.45 «Дурдаршан».  
22.10 «Футбол кундалиги».  
22.35 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати.  
00.15 «Ахборот» (рус  
тилида)  
00.45 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 —

«Телехамкор».  
9.30, 14.25 — Болалар  
соати.  
10.25 «Тир на Ногнинг  
сирли рицари».  
Сериал.  
10.50 «Сўхбатдош». Дам  
олиш дастури.  
11.20 «Иблис боласи».  
Телесериал.  
12.10 «Анна Павлова». 5-  
серия.  
13.40 «Майами сендс».  
Телесериал.  
15.10 Кундузги кинозал:  
«Магдаленанинг сокин  
эктрослари». Сериал.  
16.50 «Симпсонлар».  
Мультсериал.  
17.15 «Жанговор санъат  
олами». Спорт дастури.  
18.00 «Марҳум сўзи».  
Сериал.  
19.00 «30-канал»да ринг  
кироллари.  
21.00 «Хайрли тун,  
кинжинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона».  
Мусиқий дастур.  
21.30 «30-канал»  
киноқшоми: «Океан  
тубида».  
23.15 «Тез ёрдам».  
Сериал.

**SHANBA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекис-  
тон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида:  
«Болалар сайёраси».**  
9.00 1. «Ёз - ўтмоқда соз».  
2. «Ўйла, изла, топ».  
Телемусобақа.  
10.00 «Ҳидоят сари».  
10.20 «Бўрининг саргузаш-  
тлари». Мультфильм  
премьераси.  
11.10, 11.55 ТВ анонс.  
11.15 «ТВ альманах».  
11.35 «Дунё кўриб,  
дунёлар ярат».  
12.00 «Хатларда ҳаёт».  
12.20 ТВ-1 кинотеатри:  
«Сен борсан». Бадий  
фильм.  
13.50 ТВ клип.  
14.00 «Маърифат».  
Телеальманах.  
**Адабий жараён:**  
14.20 1. «Езувчи ва

**22**  
замон». 2. «Шеър ва  
шуур». 3. «Дунё адабиё-  
ти».  
15.05 Болалар учун.  
«Фламинго».  
15.25 Табассум кўчаларида.  
«Йўғонтепа». 1-қисм.  
16.10 «Ягона оилада».  
16.40 Табассум кўчаларида.  
«Йўғонтепа». 2-қисм.  
17.25 «Рангин дунё».  
**Ёзги таътил кунларида:  
«Болалар сайёраси».**  
17.45 «Мўъжизалар  
майдончаси». Телешоу.  
18.35 «Кредит: муаммо ва  
ечимлар».  
18.55 «Бир жуфт кўшиқ».  
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00  
Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус  
тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Обод уйда пок  
одамлар яшайди».  
21.25 «Қизлар давраси».

22.50 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
23.05 «Ахборот-дайжест».  
**«Тунги ёғду». Дам олиш  
дастури**  
23.25 «Ўзбекистон»  
каналда ilk маротаба:  
«Кутилмаган меҳмон».  
Бадий фильм.  
00.40-00.45 Ватан  
тимсоллари.  
**«Ёшлар»  
телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси:  
«Ассалом, оромгоҳ!»,  
«Боланинг тили».  
9.30 «Мультмоша».  
9.45 Табоат оламида.  
10.05 Мусиқий лаҳзалар.  
10.20 «Эсмеральда».  
Телесериал.  
10.50 Аср кийфаси.  
11.10 Ёшлар овози.  
11.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.

Телесериал.  
15.35 Бола тилидан.  
16.05 «Янги авлод»  
студияси: Болалар клуби.  
16.30 Футбол бўйича жаҳон  
чемпионати кундалиги.  
18.20 ТВ-анонс.  
18.25 Аскар мактублари.  
18.45 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Каталог.  
19.50 «Ёшлар» телеканал  
ва Навоий вилояти  
телерадиокомпанияси  
тақдим этади: «Жараён».  
20.15, 21.10, 22.35  
Эълонлар  
20.20 «Жоли Леско».  
Телесериал. 11-қисм.  
21.15 Маҳмуд Номозов  
куйлайди.  
22.00 «Давр». Ахборот  
дастури.  
22.40 Тунги тароналар.  
22.50 «Ёшлар» телеканал-  
да спорт: Интерфутбол.  
00.25-00.30 Хайрли тун!

**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Мультхархалак».  
17.40 «Жаҳон географияси».  
18.40, 20.05, 21.30  
«Экспресс» телегазетаси.  
19.00 «Мисли гавҳар».  
19.15 «Хусусийлаштириш:  
қадам-бақадам».  
19.35 «Хотира». Ф.  
Тошматов.  
20.25 «Нима учун?»  
20.50 «Табриклаймиз-  
қутлаймиз».  
21.50 «Ҳамшаҳарлар».  
22.10 Кинонигоҳ, «Ҳисобли  
никоҳ».  
23.40-23.45 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.10 «Лаззат».  
9.25 «CF янгиликлари».  
9.35 «Инглиз тили Сиз  
учун». Болалар учун  
кўрсатув.  
10.00 «Экран зийнати ва  
қиймати».

10.25 «Фан-тайм».  
10.35 «Олтин микрофон».  
Мусиқий кўрсатув.  
11.05 «Ишбилармон  
кишилар».  
11.30 Дўстлик видеоканали:  
«Ўзбекистон умумий  
уйимиз», «Саҳий хонадон-  
да», «Бинен мирас».  
12.30-13.00 «Немис тили».  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Бинарша».  
16.30 «Ҳазил кетидан  
ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.  
17.00 «Британия кундалиги».  
17.20 «Ҳазил кетидан  
ҳазил». Ҳажвий кўрсатув  
(давоми)  
18.00 «Любэ» гуруҳи  
ихросидаги концерт  
дастури.  
19.00 «Ким миллионер  
бўлишни истайди?»  
Телеуйин.  
20.00 «Время».  
20.30 Л. Яромольник  
«Чорраха» комедиясида.  
22.40 «Футбол кундалиги».  
23.05 «Футбол бўйича  
жаҳон чемпионати».

00.45 «Ахборот» (рус  
тилида)  
1.15 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 —  
«Телехамкор».  
9.30 «Малика Сиси».  
Мультсериал.  
10.00 Болалаф учун  
фильм.  
11.30 «Твистнинг қувноқ  
оиласи». Телесериал.  
12.00 Оилавий кино.  
«Болохона фаришталар-  
и».  
13.40 «Баффи».  
Телесериал.  
14.30 Ҳинд киноси:  
«Хурланганлар химоячи-  
си».  
16.40 «Яшир камера  
билан». Юмор дастури.  
17.00 «Ўз ўйини».  
Телешоу.  
18.10 «30-канал»  
киноқшоми: «Хеопс».  
19.50 «Ошиқона».  
Мусиқий дастур.  
20.00 «Вовочка». Сериал.  
21.00 Детектив соати.  
21.45 «30-канал»  
киноқшоми: «Ака».  
23.30 Мусиқий дастур.

**YAKSHANBA**  
**«Ўзбекистон»  
телеканал**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекис-  
тон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Камалак». Болалар  
учун кинодастур.  
9.05 «Ғаройибот».  
9.20 «Ўрдақчалар  
саргузашти». Мульт-  
фильм премьераси.  
10.00 «Ватанимга хизмат  
қиламан».  
11.00 «Она меҳри».  
11.20, 16.50 ТВ клип.  
**Ёзги таътил кунларида:  
«Болалар сайёраси».**  
11.30 «Мўъжизалар  
майдончаси». Телешоу.  
12.20, 15.05, 16.00 ТВ  
анонс.  
12.25 ТВ-1 кинотеатри:  
«Ширин орзулар».  
Бадий фильм.  
14.05 «Кўҳна замин  
оҳанглари».

**23**  
14.30 «Қалб гавҳари».  
14.50 «Муҳофаза».  
15.10 «Покахонтас».  
Мультсериал премьераси.  
16.05 «Куйла, ёшлигим».  
16.30 «Уй бекаси».  
17.00 «Оқ олтин».  
Телелотерея.  
**Ёзги таътил кунларида:  
«Болалар сайёраси».**  
17.40 1. «Шоирлар -  
болаларга». 2. «Олтин  
тож». Телевизион ўйин.  
18.40 «Талабалик  
йилларим».  
19.05 «Туртинчи хокимият».  
19.25, 20.00, 20.25, 21.10  
Эълонлар  
19.30 «Тахлинома» (рус  
тилида)  
20.05 «Кўшигимиз Сизга  
армуғон».  
20.30 «Тахлинома».  
21.15 «Яқшанбада Сиз  
билан бирга».  
21.40 «Отлар сўзи -  
аклнинг кузи».

**«Яқшанба  
кинозалли:**  
22.40 «Жаҳон киноси  
юлдузлари».  
23.00 «Қалтис қадам».  
Бадий фильм. 1-2  
сериялар.  
00.55-1.00 Ватан  
тимсоллари.  
**«Ёшлар»  
телеканал**  
7.55 Кўрсатувлар дастури.  
8.00 «Давр тонги».  
9.00 «Янги авлод» студияси:  
«Ким эгчил-у? Ким  
чаққон?»  
9.25 «Мультмоша».  
9.40 Давр-интервью.  
9.55 Мусиқий лаҳзалар.  
10.05 «Заковат» интеллектуал  
ўйини.  
10.55 Очил дастурхон.  
11.10 «Ёшлар» телеканалда  
ҳарбий-ватанпарварлик  
дастури: 1. Марди  
майдон. 2. Аскар  
мактублари.  
11.50 «Экспедиция».  
Ҳужжатли сериал.  
12.40 Ватан ҳақида  
кўшиқлар.  
12.50 Қишлоқдаги

тенгдошим.  
13.10 «Ёшлар» телеканал-  
да премьераси: «Қойилма-  
қом саёҳат». Бадий  
фильм.  
14.40 Чемпион сирлари.  
15.00 Сифддош.  
15.25 «Рамаёна».  
Телесериал.  
16.00 Азизим.  
16.25 Кўрсатувлар дастури.  
16.30 «Янги авлод»  
студияси: «Уй вазифаси».  
Болалар учун кўшиқлар.  
17.00 «Мультмоша».  
17.15 «Учинчи сайёра»  
маърифий дастури.  
18.05 Кўҳна оҳанглар.  
18.15 Омун.  
18.40 Оқшом навалари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр»-news.  
19.20 Мусиқий лаҳзалар.  
19.30 «Зинама-зина».  
20.00, 20.55, 22.30  
Эълонлар  
20.05 «Жоли Леско».  
Телесериал. 12-қисм.  
21.00 «Истиқлол умидлари»  
- 2002 йил битирувчи-  
ларнинг оқшоми.  
23.00 «Ёшлар» телеканал-  
да спорт: Интерфутбол.

00.15-00.20 Хайрли тун!  
**«Тошкент»  
телеканал**  
17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли  
олами».  
19.00, 21.35, 22.35  
«Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Жаҳон географияси».  
20.20 «Табриклаймиз-  
қутлаймиз».  
21.00 «Пойтахт шарҳи».  
21.25 «Телефакт».  
21.55 «Ташриф».  
22.15 «Спорт-клуб».  
22.55 Кинонигоҳ, «Қўли гул  
аёл».  
00.25-00.30 «Хайрли тун,  
шаҳрим!»  
**«Халқаро»  
телеканал**  
9.00 Кўрсатувлар тартиби.  
9.05 «ТВ-4да мусиқа».  
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда  
ёзилмаган қайдлари».  
9.30 «Ҳамма уйдалигида».  
10.05 «Кайфият». Информа-  
цион-дам олиш дастури.

11.35 FCN «Ўзбекистон  
янгиликлари» (инглиз  
тилида)  
11.45 Болалар соати:  
«Дарозалар билан  
алмашамиз».  
Кинокомедия.  
13.20 «Парле ву франсе?»  
13.45 «Хусусийлаштириш:  
қадам-бақадам».  
14.05 -15.05 «Дўстлик»  
видеоканали: «Дидар».  
«Айнурек», «Маврид».  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Мультсеанс».  
16.25 «Лего - ленд».  
Болалар учун телеуйин.  
16.55 «Соғинч».  
17.15 Махсус репортаж.  
17.35 Жан Поль Бельмондо  
«Турт қўллик ўйин»  
фильмида.  
19.30 Жон Траволта ва  
Дени де Вито «Паканани  
топиш» комедиясида.  
21.30 «7 кун». Ҳафта  
яқунлари.  
21.55 «Татьяна Полонская  
билан бирга».

22.15 «Тенгдошлар».  
22.45 «Кинопрофи».  
23.05 Футбол бўйича  
жаҳон чемпионати.  
00.45 «Тахлинома».  
1.20 «Тунингиз осуда  
бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Дастурнинг  
очилиши.  
9.05, 11.30, 17.45, 20.30  
Телехамкор.  
9.30 «Малика Сиси».  
Мультсериал.  
10.00 Фильм -  
болаларга.  
12.00 Оилавий кино.  
«Иккинчи Бетховен».  
13.40 «Баффи». Сериал.  
14.30 Кундузги кинозал:  
«Ҳиссиётларсиз».  
16.10 «30-канал»да  
қизиқарли учрашулар.  
17.00 «Ўз ўйини».  
18.10 «30-канал»  
киноқшоми: «Афсусли  
муҳаббат».  
19.50 «Ошиқона».  
Мусиқий дастур.  
20.00 «Агентлик». Сериал.  
21.00 Детектив соати.  
21.45 «30-канал»  
киноқшоми: «Ака-2».

## ЖАСОРАТ ҲАҚИДА СЎЗ

Жасоратга дадил қўллар керак,  
Одил йўллар керак,  
Журъатингни, қудратингни,  
балки қисматингни синамоқ  
учун...

Сендан аввал дунёга келган  
бўлса, —  
дадил, мағрур ҳайқира  
олгани —  
Жасоратга айланар юрак.

Жасоратга Ватан керак,  
Қўли очиқ Хотам керак,  
Энг ширин дамларни  
аямай улашгани...

Ҳайратга, ғайратга,  
ҳақиқий сийратга,  
Дўсту душман керак,  
Беллашгани, талашгани,  
Курашгани —  
Жасоратга айланса юрак.

Жасоратга меҳр ҳам керак,  
Қаҳр ҳам керак:  
Ойбекнинг забони,  
Қаҳҳорнинг армони,  
Хайриддин Салоҳнинг гумони...  
Омонсиз қақшаган

виждоним, —  
Жасоратга айланган юрак.

Жасоратга ҳақиқат керак,  
Сабру тоқат керак.

## ФОЛИБЛИК СУРУРИ ВУЖУДИНИ ЭКАР...

Кўнгилда борини очмоқлик учун,  
Яхшилик уруғин сочмоқлик учун,  
Шу куннинг иймони,  
энг қатъий фармони —  
Жасоратга айлансин юрак!

### ЁР ҚАЙРИЛИБ БОҚМАДИНГ

Айланайин ўзингдан,  
Сурма тортган кўзингдан.  
Қайтасанми сўзингдан,  
Балки ёқдим, ёқмадим —  
Ёр қайрилиб боқмадинг.

Одобингга қойилман,  
Ўзим сенга мойилман.  
Келесда бир шоирман,  
Балки ёқдим, ёқмадим —  
Ёр қайрилиб боқмадинг.

Ўзинг ширин қизчасан,  
Бир яламли тузчасан.  
Хуснинг бўлса — бизчасан,  
Балки ёқдим, ёқмадим, —  
Ёр қайрилиб боқмадинг.

Бор отанга болиш бўл,  
Онанга ор, нолиш бўл.  
Ҳар кўрганга хоҳиш бўл,  
Балки ёқдим, ёқмадим —  
Ёр қайрилиб боқмадинг.

Куймагандим, куйдирдинг,  
Суймагандим, суйдирдинг.  
Оҳ, жонимдан тўйдирдинг,  
Балки ёқдим, ёқмадим —  
Ёр қайрилиб боқмадинг.

### ТАЗАРРУ

«Худо»лардан, шафқат талаб  
гадолардан кўрқаман,  
Эътиқоду иймонидан  
жудолардан кўрқаман.

Она замин кипригимда  
томчи ёшдай омонат —  
«Омонатдир» деган нодон  
нидолардан кўрқаман.

Кўрқувлардан туғилади  
хоинлик ҳам аслида,  
Инсонларга жабр айлаган  
савдолардан кўрқаман.

Кўҳна замин айланаркан,  
шодлик бордир, ситам бор,  
Беихтиёр қилинган ул  
хатолардан кўрқаман.

«Оҳ, адашди, адашди» деб  
яна таъна қилмангиз,  
Шавкатийни адо қилган  
адолардан кўрқаман.

«Худо»лардан, шафқат талаб  
гадолардан кўрқаман,  
Эътиқоду иймонидан  
жудолардан кўрқаман.

### ЁЛБОРИШ

Бир асов, жангари қайгулар  
ётар,  
Безовта юракнинг  
туб-тубларида.

Маломат илкида сўнгсиз  
тош отар, —  
Жанговар таънанинг зил  
тўпларидан.

Таънага доритма  
ўзинг, Аллоҳим!

Безовта юрагинг хапқириб  
оқар,

Умиднинг қутқули  
ҳавасларидан.

Ғолиблик сурури вужудинг  
ёқар —

Рақибнинг аламли  
ҳасадларидан.

Ҳасадга доритма,  
ўзинг, Аллоҳим!  
Шавкат ТУРОБ.

Sport

Sport

Sport

## ГУРУҲЛАРДАГИ УЧРАШУВЛАР ЯКУНЛАНДИ

2002 FIFA WORLD CUP  
KOREA JAPAN



Кеча XVII жаҳон чемпионатининг гуруҳ учрашувлари ниҳоясига етди. Гуруҳлардаги вазиятдан кўриниб турибдики, олдинги чемпионатларга қараганда бу йил кутилмаган ҳолатлар кўп бўлди.

забт этган Ирландия билан беллашадиган бўлди.

Жаҳон чемпионлиги учун яна бир даъвогар Германия терма жамоаси Америка қитъасининг вакили

шувнинг деярли 85 дақиқасини 1:1 ҳисобини ушлаб турган Россия терма жамоаси сўнги дақиқаларда ўз дарвозасидан кетма-кет икки тўп олиб

Масалан, ФИФА рейтингда энг юқори поғонадан жой олган францияликлар гуруҳда сўнги ўринда қолган бўлсалар, футбол мутахассислари томонидан ушбу чемпионат голиблигига даъвогарлардан бири деб эътироф этилаётган Аргентина термаси ҳам ватанига қайтиб кетди.

Хуллас, «А» гуруҳидан кейинги босқичда тўп суриш имкониятига эга бўлган данияликлар «F» гуруҳидаги Англия термаси билан баҳс юритишса, чемпионатнинг ўзига хос шов-шувини юзага келтирган Сенегал футболчилари шведияликларга қарши майдонга тушишди. «В» гуруҳида эса, барча имкониятларни ўз фойдасига ҳал эта олган Испания «Е» гуруҳида иккинчи ўринни



парагвайлик чарм тўп усталари билан куч синашди.

Сўнги гуруҳдан ўрин олган Россия футболчилари бельгияликлар билан дуранг натижани қайд этсалар ҳам кейинги босқичга йўллангани нақд қилиб кўяр эдилар. Афсуски учра-

чиқиб, пировардида 2:3 ҳисобида ўйинни бой берди ва XVII-жаҳон чемпионатини тарк этди. Шу гуруҳдан жой олган мезбонлар эса тунисликларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиш кейинги босқичга йўллангани нақд қилдилар.



## ЖУФТЛИКЛАР БАҲСИ ҚИЗГИН

Пойтахт кортларида теннис бўйича аёллар ўртасида ўтказилаётган "Тошкент опен" мусобақасида жуфтлик баҳслари ҳам қизгин кечмоқда.

Яккалик баҳсларида тажрибали рақибларига имкониятни бой бериб қўйган ўзбекистонлик Иванна Исроилова ва Оқгул Омонмуродова жуфтлик беллашувларида чиройли ўйин намойиш этипти. Ҳамюртларимиз биринчи учрашувда россиялик Анна Бастрикова ҳамда украиналик Юлиана Федак жуфтлигига қарши кортга чиқиб, 6-3, 4-6, 6-3 ҳисобида галаба қозонди.

Россиялик теннисчилар - Гулнора Фаттахитдинова ва Екатерина Кожокина нидерландиялик Зеда Нурландер ҳамда Венгрия

теннисчиси Мария Венто-Кабчи жуфтлигида 6-1, 6-3 ҳисоби қайд этилди.

Шу кунги ўтказилган яккалик баҳсида эса беларуссиялик Надежда Островкая россиялик теннисчи Олга Калюжнаядан устун келди. Рақибасига биринчи сетда 6-1 ҳисобида имкониятни бой берган О. Калюжная, кейинги сетда жароҳат олгани сабабли учрашувни давом эттира олмаслигини билдирди.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

## КУРАШ ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Пойтахтимизда "Ўзбек кураши — азамий маънавий қадриятимиз" мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Анжуман Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Ёзувчилар уюшмаси ва Халқаро кураш академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари А. Болиев бошқарган мазкур анжуманда таъкидланганидек, ўзбек курашини бугунги кунда дунёнинг энг чекка мамлакатларида ҳам яхши билишади, сеvimли спорт тури сифатида ардоқлашади. Дарҳақиқат, ҳозир миллий кураш каби тез ва кенг оммалашаётган, ривож топиб

бораётган спорт тури кам. Осие, Европа, Лотин Америкаси, Африка мамлакатларида кураш бўйича миллий федерациялар ташкил этилаётгани, нуфузли халқаро мусобақалар ўтказилаётгани бунинг яққол далилидир.

ЎЗА муҳбири.

# XIII asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar

## МУРОСАГА ИНТИЛИШ БОР

Жанубий Осиёда бўлаётган воқеалар Хиндистон билан Покистон ўртасида кескинлик юмшай бошлаганига умид уйғотмоқда. Хиндистон Бош вазири Атал Бихари Вайпаи Покистон йўловчи самолётларининг Хиндистон ҳаво ҳудудидан парвоз қилишига рухсат берган эди.

Хиндистон ҳукумати, шунингдек, ўзининг Араб денгизига, Покистон чегарасига яқин жойда турган шарқий флотни кемаларини ҳам доимий кўналга бўлмиш Бенгал кўрфазига қайтаришга буйруқ берди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, шу кунларда Хиндистон ташқи ишлар вазирлиги Покистонга янги элчи тайинлаган.

Минтақадаги кескинликни юмшатишга қаратилган ушбу ҳаракатларга сабаб нима? Гап шундаки, бир ҳафта аввал Покистон раҳбарияти ўз ҳудудидан Жамму ва Кашмир штатига ўтаётган террорчиларнинг йўлига тўсиқ қўйишга расман ваъда берди. Ваъда Деҳлида яхши қабул қилинди. Лекин Хиндистон Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакилининг айтишича, бу ҳали Деҳлининг бутунлай шаштидан қайганини аңлатмайди. Буёғи Покистон ваъдани қай даражада бажаришига боғлиқ.

## КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ ЯНА РИВОЖДА

Сўнги маълумотларга қараганда, жорий йилнинг январидан мартга қадар Япониянинг ялпи ички маҳсулоти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 фоиз ошган. Бу юксалиш давом этаверса, кунчиқар мамлакатининг 2002 йилдаги иқтисодий ўсиш суръати камидан беш фоизга тенг бўлади.

Жаҳон аҳли яқин орада яна бир марта япон мўъжизасининг гувоҳи бўлишга умид боғлаб турган пайтда кунчиқар мамлакатининг ҳукумати вакиллари ижобий ўзгаришларни анча ҳушёрлик билан қабул қилди. Бунга Япония молия вазири Масадзюро Сиокаванинг сўзлари яққол далил бўла олади. Унинг айтишича, рақамлар қанчалик яхши бўлмасин, ҳозирча улар вазиятни кескин ўзгартириши қийин.

## КУЛОҚ ТЎКИМАСИДАН БУЙРАК

Маълумки, илгари тиббиёт ходимлари томонидан юрак, буйрак, ичак каби инсоннинг айрим ички аъзолари сунъий йўл билан пайдо қилинар ва улар беморлар организмига жойлаштирилди. Бу борада жарроҳлар анчагина тажриба тўплаб улгуришган. Бирок, яқинда америкалик олимлар сигир кулогидан генетик буйрак тўкималарини топиб, унинг ривожланишини кузатишди. Катталашиб табиий буйрак шаклини олган тўқима сигир организмига жойлаштирилди. Клонлаш технологиясига тўлиқ амал қилинган ҳолда кўчирилган янги аъзо ҳозирча яхши ишляпти. Соҳа вакиллари унинг айтишича, бу усул орқали яратилган аъзолар фавқулодда вазиятларда тирик организм учун қулай захира бўла олади.

Одатда ҳайвонлар устида бошланган илмий тажрибалар муваффақиятли яқунлангач, одамда ҳам синаб кўрилади. Лекин клонлаштириш масаласига келсак, ҳозирча бу борада ҳеч ким аниқ бир фикр билдирмаяпти. Чунки, айрим давлатларда клонлаш натижасида вужудга келтирилган эмбрионни икки ҳафтадан ортиқ ўстириш тақиқланган бўлса, бошқа мамлакатларда клонлашга бутунлай йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам айни пайтда одам аъзоларини клонлаш устида тажриба ўтказаятган давлатнинг ўзи йўқ.

## ҲАЙКАЛ ИЧИДА ... 15 ПУД АСАЛ



АҚШнинг Виржиния штатидаги Ричмонд шаҳрининг марказий майдонида генерал Роберт Линнинг от миниб турган ҳайкали бор. Шу ҳайкал ичидан 15 пудга яқин асал чиқди. Бу ҳайкални тузатиш учун унинг устига чиққан уста бронзадан ясалган отга болга урган эди, унинг ичида худди суюқлик бордек бўғиқ овоз эшитилди. Бироздан кейин эса, ёдгорликнинг турли тешикларидан гала-гала асаларилар учиб чиқа бошлади. Маълум бўлишича, «от»нинг бўйни ва кўкракларини асалга тўла экан. У олинганда салкам 240 килограммли тош босган.

## МЕЧКАЙ МАВЖУДОТ

Ўргимчаклар ер юзидан жуда кенг тарқалган. Уларнинг шундай бир тури борки, очкўзлик



ва мечкайликда ҳеч бир мавжудот унга тенглаша олмайди. Нонушта вақтида ейдиган овқатининг ҳажми ўзининг вазнидан тўрт марта, тушлиги тўққиз марта, кечкиси эса 13 марта кўпдир. Агар 70 килограмм оғирлигига эга бўлган бир киши шу ўргимчакдай кўп овқатланганда эди, унга бир кунда тахминан икки тонна овқат керак бўларди.


## КЎРИНМАС ОДАМ ЯРАТИЛДИ

АҚШдаги Техас университетидаги биофизиклар кўринмас одамни яратиш усулини топдилар. Улар кўп йиллик изланишлар натижасида инсон танасида вақтинчалик шаффоф «ойна» яратиш мумкинлигини исботлашди. Тери тўқимасига сувнинг ўрнини босадиган махсус эритмалар юборилиши натижасида у бутунлай шаффоф бўлиб қолади. Бирок, бунда инсон танасининг ички аъзолари яққол кўриниб туради.



## ҲОЗЛАР ҲАМ ҲОПАДИ

Карелиянинг Олонец шаҳарчасида ҳар йили Ҳозлар байрами нишонланади. Унда, бошқа тадбирлар қатори, бундай қушларнинг масофага чопиш бўйича ўзаро мусобақаси ҳам уюштирилади. Бу йилги шундай «беллашув»да Белянка деб аталувчи ёш Ҳоз Ҳолиб чиқди. Унинг эгасига мукофот сифатида бир яшик пиво, икки қоп кўмир, манқал ва Белянка шу манқалда қабоб қилинмаслиги учун яна беш килограмм сосиска берилди.



## «НОКИА»ГА НИМА ПАНД БЕРДИ

2002 йилнинг иккинчи ярми Финляндиянинг уяли алоқа жиҳозлари ишлаб чиқарувчи машҳур «НОКИА» компанияси учун омадсиз бошланадиганга ўхшайди. Куни кеча компания раҳбарияти ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосини ўн икки фоиз қисқартиришини маълум қилди.



Ҳаммасига сотиб юборилган ярқисиз телефон аппаратлари айбдор. Гап шундаки, экран носоғ бўлган телефонлар текширилмай туриб сотувга чиқарилган эди. Маҳсулотдаги нуқсонни сезиб қолган харидорлар эса табиийки, жанжал кўтарди. Гарчи, компания уларни тузатишга ваъда берган бўлса-да, масаланинг бошқа томони ҳақиқий муаммага айланыпти.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида НОКИАнинг соф даромади 769 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундай бўлса-да, компания кейинги йилнинг режасини ишлаб чиқишга чўчиб турибди.

Энди иқтисодий инкироз ёқасида турган компания ишлаб чиқаришни қисқартирмоқчи. Корпорациянинг ҳозирдаги заводлари вақтинча ишламай туради. Асосий ишлаб чиқариш эса ишчи кучи арзон бўлган Бразилия, Мексика ва Жанубий Кореядаги фабрикаларга юкланади.

## Шарҳловчи минбари

# АФҒОНИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

Афғонистонда ўтаётган Лойя Жирғанинг иккинчи кунда иштирокчилар мамлакат президентини сайлашди. Бу лавозимга Афғонистоннинг муваққат ҳукумати раҳбари, таниқли сиёсатчи Ҳомид Карзай лойиқ топилди. 1551 делегатдан 1295 нафари унинг номзодини қўллаб-қувватлади. Бошқа номзодлар нисбатан анча кам овоз тўплади.

Шундай қилиб, афғон халқининг узоқ танаффусдан кейин қақчилган олий йиғини – Лойя Жирға мамлакат тарихида янги саҳифа очди. Шу муносабат билан Лойя Жирға ҳақида икки сўз: у пуштунчада катта кенгаш маъносини аңлатади. Умуафғон йиғини узоқ асрлар давомида қақчирилиб келинган. Унда мамлакатнинг янги подшоҳи сайланган, конституция қабул қилинган ва бошқа муҳим сиёсий масалалар ҳал қилинган. Аънаанага кўра, маҳаллий кенгашлар ёки шўролар танлаган қабила йўлбошчилари ва оқсоқоллар халқ вакили сифатида Лойя Жирғада иштирок этган. Шуниси эътиборлики, 1964, 1977 йиллари қақчилган бундай йиғинда аёллар ҳам қатнашган. Хусусан 1977 йилдагисида аёлларнинг улуши 15 фоизни ташкил этган.



Тарихий маълумотларда айтилишича, Афғонистонда илк Лойя Жирға 1411 йилда ўтказилган. Унда Қандаҳордаги пуштунларнинг Пешоварга кўчиши билан боғлиқ масала кўриб чиқилган. 1747 йили бўлган навбатдаги кенгашда пуштун қабилаларининг йўлбошчилари подшоҳ сайлаш учун Қандаҳорга йиғилган. Ўшанда Аҳмадшоҳ Дурроний тахтга ўтирганди. У Афғонистон давлатчилигига асос солган шахс сифатида ҳам тарихга кирди.

1841 ва 1864 й. лларда ўтказилган йиғинда делегатлар Буюк Британия мустамлакачилигига қарши исён кўтариш масаласини муҳокама этган...

лигига қарши исён кўтариш масаласини муҳокама этган...

Лойя Жирға 1973 йилдан, яъни Афғонистон подшоҳи Зоҳиршоҳ тахтдан ағдарилгандан буён ўтказилмаган эди.


Бу гагга Лойя Жирға 2001 йил 5 декабрда имзоланган Бонн шартномасига кўра қақчилди. 2002 йил январь ойида махсус мустақил ҳайъат ташкил этилди. Ҳайъат Лойя Жирғани ўтказиш, вакил танлаш тартибини ишлаб чиқди.

Лойя Жирғага вакил сайлаш шу йил 15 апрелдан бошланди. Даставвал округ ва маҳаллий ҳокимият органлари даражасидаги оқсоқоллар кенгаши сайловчиларни аниқлаб чиқди. Улар эса ўз навбатида овоз бериш йўли билан Лойя Жирғага борадиган вакилларни аниқлаб берди.

Хуллас, делегатлар давлат раҳбарини сайлашга муваффақ бўлди. Албатта, йиғин ўз олди-га қўйилган вазифани ҳали тўла бажаргани йўқ. Олдинда иш кўп. Энди халқ вакиллари ўтиш даври ҳукуматини ва муваққат парламентни ҳам тузиши керак. Кузатувчиларнинг фикрича, Лойя Жирғада янги ҳукумат тартибини аниқлаб олиш, вазирлик раҳбари даражасидаги лавозимларга номзод кўрсатиш, умуман, Афғонистоннинг келгуси сиёсий йўлини белгилаб олишда кескин баҳс-мунозаралар бўлиши кутилмоқда.

Лойя Жирға 16 июнь куни ўз ишини яқунлаши лозим.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.



Швеция.

Турфа олам

Турфа олам



**«УНИВЕРСИАДА-2002» ДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР  
ТАЙЁРГАРЛИКНИ БУГУНДАН  
БОШЛАШ КЕРАК**



Вилоятимизнинг медаллар жамғармасига айниқса, курашчиларимиз баракали ҳисса қўшдилар. Улар жами 15та медал олиб бердилар. Бунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, халқаро тоифадаги ҳакам, миллий кураш ва дзю-до бўйича бош мураббий Ашурбек Абдусатторовнинг

(Давоми. Боши 1-бетда).

катта хизмати борлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Хуллас, вилоятимиз вакиллари аввалги универсиадага нисбатан катта ўсишга эришганлари туфайли махсус соврин сифатида телевизор совға қилинди. Шундай бўлса-да, умумий саккизинчи ўринни қоникарли эмаслигини тан олиш лозим. Тўғри, универсиадада биздан юқори ўринларни эгаллаган вилоятларда бир нечтадан олий ўқув юртлари ва уларда спорт факультетлари бор. Бизда эса, иккита. Бунинг устига энг йирик ҳисобланса-да, Тошкент Давлат аграр университетида спорт факультети йўқ. Бинобарин, бизда терма жамоа таркибини фақат энг сара спортчи талабалар ҳисобига тўлдириш имконияти бошқа вилоятларга нисбатан анча чекланган. Аммо, бу асосий сабаб бўлмайди. Чунки, Ангрендаги вилоят Давлат педагогика институтида спорт факультети мавжуд. 300 нафар атрофида талаба айни шу факультетда таҳсил олади. Шунга қарамай, Бухородаги универсиадада 25 нафарга яқин ангреник талаба иштирок этди ва умумий жамғармага иккитагина

медал келтирди, холос.

Демак, вилоят педагогика институтининг жисмоний тарбия ва спорт факультетида ўқув дастурларини такомиллаштириш зарур. Чунончи, асосий мақсад фақат жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш бўлиб қолмай, уларнинг иқтидорлилари орасидан катта спорт майдонларида вилоят ва ҳатто, республика шарафини ҳимоя қила оладиган юксак маҳоратли, етук спортчиларни тарбиялашга ҳам жиддий эътибор қаратилиши лозим. Зеро, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўзи мохир спортчи бўлса, у таълим бераётган мактаблардан ҳам кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқиши шубҳасиздир. Хуллас, юқорида айтганимиздек, мамлакатимизда аёнага айланган талабалар «олимпиадаси» ҳаётимиздан муносиб ўрин олди. Унда иштирок этишнинг ўзи катта ютуқ. Лекин муваффақиятли натижага эришиш эса янада қувончли. Вилоятимиз жамоаси бунга ҳозирдан тайёргарлик кўриши керак.

Ўз мухбиримиз.


**Bolalik bog'i**

**DAFTARDAGI OSH**

Yozaverib daftariga «O»,  
Muattarning qorni ham ochdi.  
Asta kelib yoniga bobo,  
Husnixatni varaqlab ochdi.

Endi «SH»ni yozasan qizim,  
Senga yordam beraman o'zim.  
Shunda ko'ngling nurga to'ladi,  
Issiq «OSH» ham tayyor bo'ladi.

Abdusamad YUNUSOV.



**«ТЎРҒАЙ»  
«ТЎШ ҚАЙТАРАР»И ГОЛИБ**



Янгийўл шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида фольклор-этнографик жамоаларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Турли шаҳар ва қишлоқлардан ташриф буюрган жамоалар халқимиз аъёналари мисолида урф-одатларимизни, маросимларимизни ўзига хос тарзда намойиш этдилар.

Кўрик-танлов низоҳида Оққўрғон туманининг «Тўрғай» фольклор-этнографик жамоаси «Тўш қайтарар» маросимини табиий, халқона ижро этганлиги боис биринчи мукофотга лойиқ деб топилди. Шунингдек, Янгийўл шаҳри, Юқоричирчиқ тумани ҳамда Олмалик шаҳри фольклор дасталари иккинчи, Уртачирчиқ, Паркент ва Оҳангарон туманлари вакиллари эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Шу кунга қадар вилоят маданият бошқармасининг фахрий ёрликлари ҳамда танлов ҳомиёларининг қимматбахо эсдалик совғалари топширилди. Энди Оққўрғон туманининг «Тўрғай» фольклор-этнографик дастаси республика кўрик-танловида қатнашиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ўз мухбиримиз.

**Фельетон**

— деди Асом ғаданг хийла пастлашиб. — Ана, электр кимё корхонаси олдида тунов окшом Комил оҳран қўлга тушибди. Уни биласан, Қодирали, анови Зоҳир Сайдазининг боласи. Химзаводда кўриқчи эди. Билиб, кўриб, расамадини олиб юрган-да, касофат. Пайт пойлаб, 886,5 кило мис симни ўмарипти. Жами бир миллион 250 минг сўмлик ўғринча мол билан қўлга тушипти. Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога дегани шу-да. Ана, ўша заводнинг электрчиси Музаффар Исмагуллаев ҳам сўроқ бераётганмиш бугун. У жўралари Хафиз, Бахтиёр, Умидлар билан 9-цехдан 65 кило ноёб металл ўғирлапти. Нархи 882 минг сўм эмиш... Ҳа, сим ўғрилари болалаб қолди, мен сенга айтсам.

Шундай дея Асом ғаданг энди носқовоқни қўлига олган эди, катта йўлдан шиддат билан милиция машинаси ўтиб қолди. Янги дамланган чойнакни қариялар ёнига қўяётган Усмон чойхоначи Ғаданг томонга бироз энгашди:

— Эшитдингизми, Асом ака, сим ўғриси қўлга тушипти. Ҳозиргина олишипти. Телпон симини ўраётган экан...

Бир томони олислаб бораётган ташвишли сигнал, буёғи — сим ўғрилари хусусида ҳозиргина Ғаданг айтган гап тасдиғи чолларни ханг-манг қилиб қўйди. Асом ғаданг ўрнидан даст кўзғолиб, оқ яктаги этагини шахд билан қоқди.

**Чойхонада Асом ғаданг нос отиб ўтирибди. Очилиб-ёпилавериб сийқаланиб кетган пластмасса шиша қўлидан тушмайди. Очади, бир қафт носни тил тагига ташлайди, дам ўтмай каравот суюнчиги оша энгашиб, ўтми-гулми, аллақачон фарқини йўқотган кўкатлар устига туфлайди.**

— Ҳа, Асом, нечук алфоздасан? — сўзлаб қолди каравотга чиқиб, тенгқур ҳамсоёлари даврасига чўккалаётган Қурбонали бобо.

— Бе, — қўл силкиди ғаданг, — шу пайтгача тел-

юз-хотирига бормайдиган феъли бўлса, биланги — бир балоси бор. Ҳа, ҳа, ўзимиздан ҳам ўтади. Ақлимиз этади, ўзимизникида қул-қалит бор. Лекин корхонага тегишлисини қўяберасиз. Баҳона — уларнинг ўз «хўжайини бор». Бироқ, гоҳида ўша «хўжайин»нинг кўзи бошқа ёқда. Ана ўша ДАНга тортилган алоқа симининг олинги.

леком»нинг худди шу Олмалик филиалидан 500 минг сўмлик кабел ўғирланармиди? «Чапдаст»нинг ўзи ким денг? Минг метр кабелни ўғирлаб қўлга тушган Рустам Маннопов илгари судланган, яна қотиллик қилиб, қидирувда қочиб-писиб юрган. Қаранги, ўзининг жони ҳалак, лекин яна жиноятга қўл ураяпти. Ўрганган кўнгил ўртаниб қўймас, деганлари шумикин?

— Айтинг, айтинг, арпа бўйи қўшилганидан айтинг, — оғизга нос ташлагани учун тўхтаб қолган гап арқонини ҳаволана ҳаволана чўзади Асом ғаданг. — Сим ўғрисининг каттаси Бекободдан чиқибди. «Ўзбекметаллургурилиш» деган сўлак-

**АСОМ  
ҒАДАНГ  
НЕГА  
ХУНОБ**

пон симини узиб сотганини эшитмагандим. Овлоқдагисини, қаровсизини-ку, қўяверасиз. Кеча Олмаликқа борган эдим, қаранги, серкатнов, катта йўл бўйидаги ДАН корхонасига ўтказилган 350 метр алоқа симини ўмариб кетишипти. «Тошкент-Телеком» филиалидан 1000 метр кабелни ўмарипти...

Бир томони Асом ғаданг хуноб бўлганича бор. Ҳозир кимнинг қўли чаққон, оёғи илдам, унча-мунча нарсанинг

ДАНчиларнинг кўзи йўлда, тушмагур Ғайрат Эркиновнинг олма-кесак тергувчи кўзи эса, қўл узатса этадиган даражада шамолда лопиллаб турган телефон симида. Қарайдики, ДАНчилар телефон дастагини кун бўйи кўтаришмайди — ҳаммаларининг қўлида рация. Эпчилгина йигит олди-кетди симни кесиб. Телефон алоқаси борми, ўлдими — кимнинг иши бор. Яхшиямки, «Кўриқлаш» тадбири ўтказилиб, Ғайратнинг кескир қўли боғланди.

Агар аҳвол Асом ғаданг айтганича бўлмаса, «Тошкент-Те-

мондай ташкилот борақан. Ўша корхонадан бир йўла 830 минг сўмлик кабелни ўмариб кетишипти. Боз-бозига олгани шу-да, а, лаббай? Ҳа, ким экан ўғри дерсиз? Ёшгина йигитмиш. Йигирма бешга тўлиб-тўлмаган дейишяпти. Ўзим айни симни кесиб, ўраб-чирмаб турганида қўлга тушибди, баччағар.

— Ҳай, Ғаданг, — салмоқланди Қодирали чол тоқати тоқ бўлиб. — Олсизда не қиласан каловланиб?! Ўзимиздан гапир, хумпар. Чирчиқда нима гап?

— Бошқа ёқда ўғри ташқаридан бўлса, ўзимизда — ичдан,

**ТОШКЕНТ HAQIQATI**  
Ташкентдаги ҳақиқат

Муассис  
**ТОШКЕНТ**  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
**Фатҳиддин**  
**МУХИДДИНОВ**

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эъловлар:  
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.